

Тошкент ш.

«17» август 2022 й.

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” маъсулияти чекланган жамияти номидан 2022 йил 29 июлдаги 33-03-1/1006 сонли ишончнома асосида иш юритувчи дирекция директор ўринбосари Арипжанов Файзулла Абдуллаевич, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланади) бир томондан, “IT-Academy” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи Тен Д.В. (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар”, мазкур Шартномани тузиб, қуйидагиларга келишиб олдилар:

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Ижрочи “IT-соҳада ўқув курсларини ўтказиш хизматларини кўрсатиш” мажбуриятини ўз зиммасига олади (кейинги ўринларда Хизмат деб номланади), Буюртмачи эса Ижрочининг хизматларига мазкур шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади;

1.2. Ўқув дастурига мувофиқ курсларни давомийлиги 3 ой (36 академик соат);

1.3. Ўқув дастури 2 (икки) босқичда амалга оширилади:

1.3.1. I-босқич доирасида Тошкент, Қарши, Нукус, Термиз шаҳарларида 206 та қиз учун ўқув дастури ташкиллаштирилади;

1.3.2. II-босқич доирасида Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Сирдарё шаҳарларида 174 та қиз учун ўқув дастури ташкиллаштирилади.

1.4. Ўқув курсини тугатган тингловчиларга ўқув курсини ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат (сертификат) Ижрочи томонидан берилади.

1.5. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловасида келтирилган Техник топшириқда Ижрочи томонидан Буюртмачига кўрсатиладиган хизматларга талаблари, шу жумладан ишларнинг тўлиқ рўйхати, ҳажми ва мавзуси кўрсатилган.

## 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ижрочи томонидан кўрсатиладиган Хизматлар қиймати **1 050 000 000 (бир миллиард эллик миллион) сўмни ҚҚС суммасини ҳисобга олмаган ҳолда** ташкил этади;

2.2. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида Шартнома қийматининг 15% миқдорида аванс Ижрочи ҳисоб рақамига тўлаб берилади;

2.3. Ижрочи Буюртмачига I-босқич доирасида бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида кечиктирмай Буюртмачига ҳисобварақ-фактурани тақдим этади;



2.4. I-босқич учун **413 300 000 (уч юз ўн уч миллион уч юз минг) сўм** тўлов Буюртмачи томонидан ҳисобварақ-фактура ва I-босқич доирасида бажарилган ишлар далолатномаси тасдиқланганидан сўнг 20 (йигирма) банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Ижрочи Буюртмачига II-босқич доирасида бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида кечиктирмай Буюртмачига ҳисобварақ-фактурани тақдим этади;

2.6. II-босқич учун **479 200 000 (тўрт юз етмиш тўққиз миллион икки юз минг) сўм** тўлов Буюртмачи томонидан ҳисобварақ-фактура ва II-босқич доирасида бажарилган ишлар далолатномаси тасдиқланганидан сўнг 20 (йигирма) банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.7. Тўлов сўмда амалга оширилади. Тўлов санаси Буюртмачининг жорий ҳисобварағидан маблағлар дебетланган сана ҳисобланади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **3.1. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

3.1.1. Хизматларни ушбу шартноманинг иловасида келтирилган техник топшириқга мувофиқ сифатли, ўз вақтида ва тўлиқ бажариш;

3.1.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу шартнома бўйича хизмат кўрсатишнинг шакл ва усулларини мустақил равишда аниқлаш;

3.1.3. Мустақил равишда текширув ишларини баҳолаш, шаклларини ва тартибини танлаш;

3.1.4. Бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этганидан сўнг Буюртмачига ҳисобварақ-фактурани тақдим этиш;

3.1.5. Хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ масалаларда Буюртмачининг мутахассис ходимлари билан боғланиш;

3.1.6. Буюртмачи томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузилган ҳолларда хизмат кўрсатишни тўхтатиш ёки ишни бошламаслик;

3.1.7. Буюртмачининг зарарларини тўлиқ қоплаш шarti билан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш;

3.1.8. Хизматни сифатли бажариш учун керакли даражада шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ўқув курси тингловчиларини бинога кириш, ўқув материаллари билан таъминлаш, жиҳозлаш (компьютер, компютер тармоғи ва Интернетга кириш, шунингдек, зарур техник маълумот (пароллар, ишлатиладиган дастурий таъминот ҳақида маълумот)ларни тақдим этиш;





## **3.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

3.2.1. Ижрочи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасини шартномада кўрсатилган тартибда ўз вақтида қабул қилиш;

3.2.2. Шартноманинг 2-бўлимига мувофиқ, Шартнома бўйича кўрсатилган Хизматлар учун Ижрочига ўз вақтида тўлов амалга ошириш;

3.2.3. Ижрочидан ушбу шартнома шартларига мувофиқ хизматларни белгиланган тартибда тақдим этишни талаб қилиш;

3.2.4. Ижрочидан бажарилган ишлар далолатномаларини тақдим этишни талаб қилиш;

3.2.5. Ижрочи томонидан бажарилган ишнинг сифатини, унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда текшириш;

3.2.6. Тингловчиларни ўқишга йўналтириш ва машғулотлар бошланишидан камида 1 кун олдин тингловчиларнинг рўйхатини тақдим этиш.

## **4. КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

4.1. Тарафлар хизматларни бажарилган ишлар далолатномаларини қуйидаги тартибда имзолайдилар:

4.1.1. Ижрочи, сертификатлар тақдим этилгандан сўнг 3-иш кунидан кечиктирмай, Буюртмачига бажарилган ишлар ҳақида ҳисоботни ва бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этади;

4.1.2. Буюртмачи, бажарилган ишлар далолатномасини қабул қилингандан 3-иш кунидан кечиктирмай, Ижрочи томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш ёки шу муддат ичида далолатномани имзолани асосланган ҳолда ёзма равишда рад этиши мумкин;

4.1.3. Агар Буюртмачи ушбу шартноманинг 4.1.1-бандида кўрсатилган муддат ичида бажарилган ишлар далолатномасини бўйича хизматларни қабул қилмаслик бўйича асосли рад жавобини бермаса, хизматлар Буюртмачи томонидан тўлиқ ва сифатли қабул қилинган ҳисобланади;

4.1.4. Агар Буюртмачи хизматларни қабул қилишни асосли тарзда рад этган тақдирда, тарафлар камчиликларни бартараф этиш шартлари ва муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузадилар;

4.1.5. Далолатномада акс этирилган барча камчиликларни Ижрочи томонидан бартараф этиш яқунлангач, Буюртмачи ишлаб чиқилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда хи бажарилган ишлар далолатномасини имзолаши шарт;

4.2. Хизматлар Буюртмачи томонидан бажарилган ишлар далолатномасини имзолаган пайтдан бошлаб ёки ушбу шартноманинг 4.1.3-бандида кўрсатилган ҳолатда қабул қилинган ҳисобланади.



## **5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

5.1. Шартнома тарафлар ўртасида имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

5.2. Ишларни бажариш муддатлари шартнома имзоланган кундан 2022 йил 30 ноябргача деб белгиланади.

## **6. ШАРТНОМА МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

6.1. Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва улар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб бўлгунга қадар амал қилади;

6.2. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш киритиш фақатгина ёзма тарзда уни имзолаган томонлар иштирокида ва розилигида амалга оширилади.

6.3. Шартнома ҳар бир Томоннинг ёзма розилиги ёки амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

## **7. МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

7.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган баҳслар томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал этилади;

7.2. Томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида кўриб чиқилади;

7.3. Томонларнинг барча даъволари ёзма равишда амалга оширилиши ва ваколатли шахслар томонидан имзоланиши керак;

7.4. Даъвони олган тараф даъво олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида бошқа тарафга асосли жавоб бериши шарт;

7.5. Агар томонлар ўзаро мақбул ечим топа олишмаса, низоли вазиятни ҳал қилиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судга мурожаат қилишлари керак.

## **8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки нотўғри бажарган тақдирда тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар;

8.2. Томонлар мазкур Шартнома доирасидаги мажбуриятларини ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли бажара олмаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайдилар. Агар бирор Томон мажбуриятларини керакли тартибда бажариш борасида ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади;

8.3. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар миқдорини қоплайди;

8.4. Ижрочи томонидан шартномада белгиланган ишлар тўлиқ ва сифатли бажарилмаган ҳолларда, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият





бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

8.5. Агар кўрсатилган хизматлар сифати, иловадаги талабларга, қонун ҳужжатларида ёки ушбу шартномада белгиланган шартларига мос келмаса, Буюртмачи ишларни ёки хизматларни қабул қилмаслиги ва уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Ижрочидан сифати бўлмаган ишлар ёки хизматлар қийматининг 15 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ёки хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

8.6. Бажарилган ишлар ёки хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 9. МАХФИЙЛИК

9.1. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартноманинг матнини, шунингдек, томонларнинг бир-бирига ушбу битимни тузишда ва ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш жараёнида узатилган ва узатиладиган ахборотнинг бутун ҳажмини бошқа томоннинг махфий маълумотлари деб ҳисоблашга келишиб олдилар.

9.2. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартномани тузишда ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида эга бўлган бошқа томоннинг махфий маълумотларини ҳеч бир усулда ошкор қилмасликни ўз зиммасига олади. Томонлар ушбу мажбуриятга мазкур шартнома амал қилиш муддатида амал қиладилар, ушбу мажбуриятни ўзгартириш бўйича алоҳида келишувлар бундан мустасно.

9.3. Томонларнинг ҳар бири бошқа томонни махфий маълумотларини ошкор қилиши оқибатида кўрган барча зарарларни белгиланган тартибда тўлиқ қоплашни ўз зиммасига олади.

## 10. ФОРС-МАЖОР

10.1. Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, zilзила, эпидемия, ҳарбий можаролар томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳукуматнинг чекловчи қарорлари ва хоқозолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита номаён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади;



10.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон уч кун ичида бошқа томонларни форс-мажор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим;

10.3. Агар форс-мажор ҳолати шартномаси шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат талаб қилса, томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## 11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Шартнома шартларини бажаришда, ўзгартиришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни тарафлар ўзаро ҳал этмаса, низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Агар тарафлар ўртасида келишув шартларини амалга ошириш бўйича низо ёки келишмовчилик юзага келса, тарафлар уларни келишув тартибларини ўтказиш йўли билан даъво тартибида ҳал қиладилар.

11.3. Мазкур шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган ҳолда 2 нусxada тузилади.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР

**Ижрочи:**

**“IT-Academy” МЧЖ**

**Манзил:** Тошкент ш., Мирзо-Улугбек т., Тепамасжид к., 4-уй

**Банк:** АТБ «Алока банк»

**х/р:** 20208000405108529001

**МФО:** 00401

**СТИР:** 306 615 756

Тен Д.В.

2022 йил “\_\_\_” август



**БУЮРТМАЧИ:**

**“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари Технологик парки Дирекцияси” МЧЖ**

**Манзил:** Тошкент ш., Мирзо-Улугбек т., Тепамасжид к., 4-уй

**Банк:** АТБ «Алока банк»

**х/р:** 20 208 000 000 966 048 001

**МФО:** 00401

**СТИР:** 305 975 326

Ф. А. Арипжанов

2022 йил “\_\_\_” август





**Ушбу шартномага мувофиқ,  
ижрочи томонидан буюртмачига кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ  
рўйхати, ишлар ҳажми ва мавзуси  
(Техник топшириқ)**

### **1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун инклюзив ўқув дастурини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш учун Техник топшириқ Ўзбекистон Республикасининг О‘зДСт 1987:2018 “Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ” давлат стандарти асосида ишлаб чиқилди.

#### **1.1. Глоссарий**

<b>Атама</b>	<b>Таърифи</b>
ГОСТ/О‘зДСт	Давлат стандарти
АТ	Ахборот тизими
АКТ	Ахборот – коммуникация технологиялари
Инклюзив ўқув дастури	Барча учун (шу жумладан имконияти чекланганлар учун) тенг шароит яратиш принципи асосида ўқув дастурини ташкиллаштириш

#### **1.2. Хизматнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши**

Қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун инклюзив ўқув дастурини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича хизматларини кўрсатиш

Хизматнинг қисқача номи: Ўқув курси (матнда “Хизмат” деб юритилади).

#### **1.3. Томонларнинг номланиши**

*Лойиҳа буюртмачиси:*

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ

Манзил: Тошкент ш., Тапамасжид кўч., 4-уй

Тел.: +998 71 209-11-99

Электрон почта: [info@it-park.uz](mailto:info@it-park.uz)

*Жавобгар шахс:*

Хумоюн Султонов – Рақамли таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғи

Тел: +998 97 772 26 62

Электрон почта: [h.sultonov@it-park.uz](mailto:h.sultonov@it-park.uz)

*Лойиҳа ижрочиси:*

Танлов асосида белгиланади.

#### **1.4. Лойиҳани амалга ошириш учун асос**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони;

2022 йил 17 июнда “Қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун инклюзив ўқув дастурини ташкил этиш бўйича UNICEF ва IT Parkнинг қўшма лойиҳаси” концепцияси ҳамда лойиҳа бюджети.

#### **1.5. Хизматни кўрсатишда режалаштирилган ишларнинг бошланиш ва тугаш муддатлари**

Хизматни кўрсатишда режалаштирилган ишларнинг бошланиш ва тугаш муддати қуйидагича:

**Лойиҳа давомийлиги:** шартнома имзоланган кундан 2022 йил 30 ноябргача

#### **Ўқув дастури:**

- Давомийлиги – 3 ой;
- Ҳафтада 3 мартта;
- Умумий тингловчилар сони: 380 та;
- Ўқув дастури сўровга асосан ўзбек ва(ёки) рус тилида ўтказилиши керак.

#### **1.6. Ишларни молиялаштириш манбалари ва тартиби тўғрисида маълумот**

Ишларни молиялаштириш тартиби ва тўлов шартлари ахборот тизимини яратиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида амалга оширилади.

#### ***Молиялаштириш манбаси:***

Лойиҳа Буюртмачининг ҳисобидан молиялаштирилади

“Қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун UNICEF ва IT Park инклюзив ўқув дастури” учун ажратилган маблағлар

#### **1.7. Лойиҳани амалга ошириш бўйича иш натижаларини расмийлаштириш ва буюртмачига тақдим этиш тартиби**

Хизматни амалга оширилганидан сўнг қабул қилиш Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида имзоланган молиявий, ташкилий - маъмурий, дастурий ва фойдаланиш ҳужжатлари асосида амалга оширилиши керак.



Лойиҳанинг алоҳида босқичларини қабул қилиш “Хизматни кўрсатиш учун ишнинг таркиби ва мазмуни” бўлимида келтирилган календарь режа асосида амалга оширилиши керак. Муайян босқичлар ва умуман иш тугаганидан сўнг, Ижрочи Буюртмачига босқичларнинг ҳисоботларини ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаларини тақдим этади.

Агар ишларни бажариш жараёнида ушбу техник топшириқда томонлар томонидан акс эттирилмаган (ёки етарли даражада акс эттирилмаган) алоҳида масалалар ва қарорларни батафсил кўриб чиқиш ва келишиш зарур бўлса, Ижрочи ва Буюртмачи “Қўшимча техник топшириқ” ҳужжатини ишлаб чиқишлари, мувофиқлаштиришлари ва имзолашлари мумкин.

## **1.8. Махсус шартлар**

“Қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун UNICEF ва IT Park инклюзив ўқув дастури” UNICEF томонидан лойиҳани амалга ошириш учун тақдим этилган маблағлар асосида ташкиллаштирилмоқда. Шунингдек ҳисобга олган ҳолда, ўқув дастури доирасида бир ҳаракат UNICEF билан келишилган ҳолда ҳақорлик асосида амалга оширилиши шарт.

UNICEF сўровига асосан ушбу лойиҳага таалуқли маълумотлар сўровга асосан имкон борича тезда тақдим этилиши лозим. Ўқув дастури давомида UNICEF томонидан талаб қилинган ҳужжатлар керакли шаклда тўлдирилиб тақдим этилиши лозим.

Ўқув дастури UNICEFнинг талабларига асосан UNICEF ва буюртмачи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқирилиши шарт.

## **2. ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **2.1. Лойиҳанинг вазифалари**

Лойиҳанинг асосий мақсади қизларнинг, жумладан, турли шаклдаги ногиронлиги бўлган қизларнинг ахборот технологиялари соҳасида инклюзивлик таъминли асосида фаоллигини ошириш, шунингдек, ўз имкониятларига ишончини оширишдан иборат.

Дастур қизларга қаратилган ёндашувнинг қуйидаги элементларини қамраб олади:

1. Қизларнинг мазмунли иштироки - дастурнинг барча босқичларида: лойиҳалаш, амалга ошириш, мониторинг ва баҳолашда қизларнинг, шу жумладан, энг заиф қатламларнинг иштирокини рағбатлантириш. Эҳтиёжларга асосланган баҳолашни ўқув режасида ҳам тематик, ҳам оқилона жойлаштиришда, дастур бошланишидан олдин ва амалга ошириш давомида барча босқичларда истакларни ўз ичига олади.

2. Қизлар учун махсус кўникмалар - қизларни STEM рақамли кўникмалари ва малакалари билан таъминлаш. Ногиронлиги бўлган қизларни асосий кўникмаларга, асосан, компьютер саводхонлигига эга бўлиш, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотларини жалб қилиш ва дастурларни қизларнинг ногиронлиги турига мослаштириш ва ногиронлиги бўлган шахсларга (ногиронлар) мураббийлик қилиш орқали дастурни мақсадли ҳудудларга кенгайтириш.

3. Қизларга қаратилган дастур - мураббийлар ва намуналар олиш имкониятини таъминлаш, ижтимоий ўзгаришлар учун кўникмаларни қўллаш имкониятларини таклиф қилиш ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш ва кўникмаларни ривожлантириш муҳимлиги ҳақида хабардорликни ошириш учун жамоатчиликни жалб қилиш.

### **3. АХБОРОТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **3.1. Лойиҳани амалга оширишни асосланиши**

Юртимизда ахборот технологиялари бозори жадал ривожланиши баробарида ИТ мутахассисларга эҳтиёж ҳам тобора ошмоқда. Мана шу талабни қоплаш мақсадида ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган чоралар давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали ИТ-мутахассислар билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Рақамли таълимни ривожлантириш, шу жумладан ИТ соҳасига хотин-қизларни жалб қилиш ва имконияти чекланган фуқароларга ИТ-таълимни олишда шароит яратиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 13.10.2020 йилдаги ПҚ-4860-сон Президент қарори қабул қилинди.

Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида, Бююртмачи ва UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда “инклюзив”, яъни барча учун тенг шароит яратиш, принципига асосланган



қизлар учун компьютер саводхонлиги ҳамда график дизайн йўналишлари бўйича ўқув дастурини ташкиллаштириш келишилган.

Ўқув дастури икки босқичда амалга оширилади:

***I-босқич:***

UNICEF билан келишув асосида танланган ҳудудларда (Тошкент, Қарши, Нукус, Термиз шаҳарлари)

***II-босқич:***

Қўшимча ҳудудлар (Самарқанд, Бухоро, Наманган, Сирдарё шаҳарлари)

### **3.2. Атроф-муҳитнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот**

Автоматлаштириш объектларининг иш шароитлари ва техник воситаларга нисбатан атроф-муҳит хусусиятлари қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Ўқув дастурини самарали амалга ошириш мақсадида Ижрочи томонидан ўқув дастури учун тақдим этиладиган хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- хонанинг жиҳозланишида педагогик муҳит яратиш, шахснинг руҳиятига хонанинг ижобий педагогик таъсир ўтказиши инobatга олиниб, у барча педагогик мезонлар ва меъёрларга мос келиши керак;
- хонани жиҳозлашда хонанинг таъмирланиши, жиҳозлари ва материалларининг барчаси психологик-физиологик қонуниятларга амал қилинган, қўллашда қулай бўлиши, улардан фойдаланганда тингловчиларда қаноатланиш ҳиссиётларини уйғотиши керак;
- хонага ўрнатилган барча электротехника жиҳозлари, жумладан, шахсий компьютернинг электр тармоқларига уланиши техника хавфсизлиги қоидаларига жавоб бериши керак;
- хонани ёритгичлар билан таъминлашда уларнинг замонавийлигига, бутун хонани меъёрида ёритишига ва хавфсизлигига эътибор қаратилади;
- ўқув дастурини ўтказиш жараёнларида техника воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши лозим;
- COVID-19 пандемияси даврида ишлатиладиган шахсий ҳимоя воситаларини ўқув хоналарига тақдим этиш:
  - ювиш ва зарарсизлантирувчи воситалар;
  - тана ҳароратини ўлчайдиган контактсиз пирометрлар;
  - қўл териси антисептиклари учун дозаторлар;

- қўл териси учун антисептиклар;
- бир марта ишлатадиган юз ниқоблари;
- бир марталик тиббий;
- дезинфекцияловчи салфеткалар;
- дезинфекцияловчи воситалар;
- зарур дори - дармонлар ва биринчи ёрдам воситалари билан тўлдирилган тиббий тўпламлар.

## **4. ИЖРОЧИ ВА ЎҚУВ ДАСТУРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР**

### **4.1.1. ИЖРОЧИГА БЎЛГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР**

Ижрочи қуйидаги талабларга мос бўлиши керак:

- Ижрочи давлат рўйхатидан камида 2 йил олдин ўтган бўлиши керак;
- Ижрочи таълим фаолияти учун лицензияга эга бўлиши керак;
- Ижрочи қайта ташкил этиш, ликвидация қилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаслиги керак;
- Ижрочи бошқа ташкилотлар билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлмаслиги керак;
- Ижрочи “Харидор” билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлмаслиги керак;
- Ижрочи “Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестри”га киритилган бўлмаслиги керак;
- Ижрочи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздор бўлмаслиги керак;
- Ижрочи шартнома бажарилиши учун зарур техник, молиявий, моддий ва кадр ресурсларига эга бўлиши керак.

Ижрочи юқоридаги талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш шарт.

### **4.1.2. ИЖРОЧИНИНГ ТАЖРИБАСИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР**

**Ижрочи қуйидаги талабларга мос бўлиши керак:**

- Имконияти чекланганлар, шу жумладан ногиронлиги бор фуқаролар учун тренинг ўтказиш тажрибасига эга бўлиши шарт;
- Охирги 2 йил ичида камида 2 лойиҳа доирасида худудларда тренинглари ўтказиш тажрибасига эга бўлиши шарт;
- Охирги 2 йил ичида камида 1 марта ижтимоий соҳада тренинг ўтказиш тажрибасига эга бўлиши шарт;



- Охирги 2 йил ичида таълим билан боғлиқ камида 2 та ўқув дастурини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши шарт;
- Охирги 1 йил ичида таълим билан боғлиқ ўқув дастурларини камида 6 та вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этиш бўйича тажрибага эга бўлиши шарт;
- Охирги 1 йил ичида камида 1 та таълим лойиҳаси халқаро корхона ёки давлат органлари билан биргаликда амалга оширилган бўлиши шарт.

Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган тажриба мавжудлигини тасдиқлаш учун Ижрочи ҳар бир лойиҳа учун қуйидаги маълумотларни тақдим этиши керак:

- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳа номи;
- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳанинг қисқача тавсифи;
- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳани амалга ошириш йиллари.

#### **4.1.3. ИЖРОЧИГА БЎЛГАН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

Ижрочи қуйидаги техник талабларга мос бўлиши керак:

- Қарши, Термиз, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ўқув хоналарини ўқув дастурини ташкиллаштириш учун таъминлаш;
- Тошкент шаҳрида 16 та кулоғи эшитмайдиган қизлар учун ўқув дастурини ташкиллаштириш учун керакли ресурсларни таъминлаш (хона жиҳозланиши, техника, ўқув қуроллари, тренерлар);
- Тошкент шаҳрида 16 та кўриш қобилияти заиф қизлар учун ўқув дастурини ташкиллаштириш учун керакли ресурсларни таъминлаш (хона жиҳозланиши, техника, ўқув қуроллари, тренерлар);
- Қарши, Термиз ва Нукус шаҳарларида 10 тадан таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган қизлар учун ўқув дастурини ташкиллаштириш учун керакли ресурсларни таъминлаш (хона жиҳозланиши, техника, ўқув қуроллари, тренерлар);
- Қарши, Термиз ва Нукус шаҳарларида 48 тадан қизлар учун ўқув дастурини ташкиллаштириш учун керакли ресурсларни таъминлаш (хона жиҳозланиши, техника, ўқув қуроллари, тренерлар);
- Наманган, Самарақанд ва Бухоро шаҳарларида 48 тадан, Сирдарёда 30 та қизлар учун ўқув дастурини ташкиллаштириш учун керакли ресурсларни таъминлаш (хона жиҳозланиши, техника, ўқув қуроллари, тренерлар);
- Ўқув жараёнини қуйидаги техник талабларга жавоб берадиган замонавий компьютер ускуналари билан таъминлаш:

- Марказий процессор - 2 ядроли/4оқимли, 4 гигагертсли, анакарт - ЛГА1200 процессорига мос, РАМ - ДДР4 4 Гб, монитор - 22' (Full-HD);
- Ўқув хонасини қуйидаги талабларга мувофиқлигини таъминлаш:
  - 8 та тингловчи ва 1 та ўқутувчи (тренер) учун тўлиқ жиҳозланган бўлиши шарт;
  - Ҳар бир хонада камида 8 та компьютер, проектор, доска, юқори тезликдаги Интернет, барқарор электр таъминоти ва мебель билан жиҳозланган синфлар;
  - Камида 80 Мбит/с тезликдаги барқарор Интернетга уланиш.

Ижрочи техник талабларга мувофиқлигини тасдиқлаши учун ўқишни ташкил этишни режалаштирган ўқув хоналарининг фотосуратлари тақдим этиши лозим. Имкониятлари чекланган шахслар учун эса мавжуд техник воситалар ва ускуналар ҳақида қисқача маълумот тақдим этиши шарт.

#### **4.1.4. Ўқув дастурига бўлган талаблар**

Ўқув дастури қуйидаги умумий талабларга мос бўлиши керак:

- Ўқув дастури ушбу Техник вазифада кўрсатилган режага мувофиқ, Қарши, Термиз, Нукус, Тошкент, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё шаҳарларида ташкил этилиши лозим;
- Давомийлиги Буюртмачини сўровига асосан 2 ёки 3 ойга адаптация қилиниши керак;
- Ҳафтада 3 мартта;
- Умумий тингловчилар сони – 380 та;

#### **Лойиҳанинг I-босқичи учун талаблар:**

Қизларнинг ёши: 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари қизлари (ногиронлиги бўлган қизлар учун ёш чегарасидан ошиши мумкин). Иштирокчи қизларнинг рўйхати Буюртмачи томонидан тақдим этилади.

Лойиҳа босқичлари:

1. Ўқув курси – компьютер саводхонлиги ва(ёки) график дизайн;
2. Яқуний танлов;
3. Сертификатларни тарқатиш.

#### **Лойиҳанинг II -босқичи учун талаблар:**

Қизларнинг ёши: 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари қизлари (ногиронлиги бўлган қизлар учун ёш чегарасидан ошиши мумкин). Иштирокчи қизларнинг рўйхати Буюртмачи томонидан тақдим этилади.



Лойиҳа босқичлари:

1. Ўқув курси - компьютер саводхонлиги ва(ёки) график дизайн, дастурлаш;
2. Якуний танлов;
3. Сертификатларни тарқатиш.

Ижрочи таклиф этилаётган ўқув курсларининг дастурини тақдим этиши лозим.

### **Формат:**

#### ***I - босқич***

Тошкент, Қарши, Нукус ва Термиз шаҳарларида ногиронлиги бўлган ва ногиронлиши йўқ шахсларни ўқитиш учун ҳар ҳафтада 3 марта 1,5-3 соат, ҳар бири 3 ой давом этадиган ўзбек тилида рақамли саводхонлик ёки график дизайн курсларини ташкил этиш лозим. (UNICEF нинг қарорига асосан дастур танланади).

Тренинг бошланишидан олдин ногиронлар учун қулай шароитлар, шу жумладан брайл ёзувлари, имо-ишора тилига таржима, биноларнинг жисмоний кириш имконияти яратилган бўлиши шарт.

Ўқиш учун ажратилган бюджет қўйидаги кўрсаткичлар асосида ҳисобланиши лозим:

	<b>Тавсиф</b>	<b>Миқдор</b>	<b>Ўлчов</b>	<b>Миқдор</b>	<b>Ўлчов</b>
Ўқитувчининг маоши	Эшитиш қобилияти заифлар учун курс (дарс, дарсга тайёргарлик, топшириқларни текшириш, якуний ишни баҳолаш), имо-ишора тилини билладиган мураббий	36	кун	2	гуруҳ
Ўқитувчининг маоши	Кўзи ожизлар учун курс (дарс, дарсга тайёргарлик, топшириқларни текшириш, якуний ишни баҳолаш)	36	кун	2	гуруҳ
Ўқитувчининг маоши	Таянч-ҳаракат тизими билан	36	кун	15	гуруҳ

	боғлиқ муаммолари бўлган ва ногиронлиги бўлмаган қизлар учун курс (дарс, дарсга тайёргарлик, топшириқларни текшириш, якуний ишни баҳолаш)				
Мураббийлар тўлови	Машғулотлар ва якуний иш пайтида ёрдам, ҳар бир гуруҳга бириктирилган мураббий бўлади	37	кун	15	гуруҳ
ИТ мутахассиси тўлови	Имконияти чекланган қизларни ўқитиш учун зарур дастурларни яратиш	1	Одам учун	1	кун

## **II - босқич**

Самарқанд, Наманган, Бухоро ва Сирдарё шаҳарларида ногиронлиги бўлмаган қизларни ўқитиш учун ҳар ҳафтада 3 марта 1,5-3 соат, ҳар бири 3 ой давом этадиган ўзбек ёки рус тилида компьютер саволхонлиги ва(ёки) график дизайн, ёки дастурлаш курсларини ташкил этиш лозим. Ҳар битта вилоятда ташкил этиладиган дастур қизларни билим даражасига асосланиб Буюртмачи томонидан аниқланади ва шартнома имзоланганидан сўнг маълум қилинади.

### **Ўқув дастурининг мазмунига қўйиладиган талаблар:**

Ўқув дастури давомида рақамли саводхонлик курси иштирокчилари:

1. Компьютерда Microsoft Office (WORD, POWER POINT, EXCEL) асосларини ўрганади:

- керакли маълумотларни топиш, шунингдек ёрдам олиш ва тренингдан ўтиш;
- шаблонлар асосида профессионал тарзда ишлаб чиқилган ҳужжатларни яратиш;
- мураккаб фикрларни ифодалаш ва график элементлар ва диаграммалар ёрдамида маълумотларни тақдим этиш;
- умумий ҳужжатлар устида онлайн ва офлайн режимда, шунингдек, бошқа фойдаланувчилар билан бир вақтда ишлаш;



- Office иловаларида исталган жойдан ва исталган курилмада ишлаш.

## 2. Scratch -дан фойдаланишни ўрганиш:

- лойиҳалар яратиш, уларни скретч ҳамжамиятига улашинг ва бошқалар билан баҳам кўрилган лойиҳаларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва фойдаланиш;
- ҳар қандай даражадаги фойдаланувчилар учун қулай дастурлаш муҳитидан фойдаланиш.

## 3. Веб-технологияларни ўрганиш (HTML ва CSS)

- HTML имкониятлари ҳақида билим олиш ва HTML ни тушуниш учун асосий тушунчалар ва синтаксисни ўрганиш.
- CSS асосларини ўрганиш (шрифт, ранг, ўлчам, қаторлар оралиғини ўзгартириш, таркибни устунларга бўлиш, анимация ва бошқа декоратив элементларни қўшиш).

Ўқув дастури давомида график дизайн курси иштирокчилари Photoshop ва Corel Draw дастурларини қўллашни ўрганадилар.

Ўқув дастури давомида backend-дастурлаш курси иштирокчилари Photoshop ва Corel Draw дастурларини қўллашни ўрганадилар.

Backend-дастурлаш курси давомида Python дастурлаш тили бўйича Python OOP, маълумотлар базаси билан ишлаш яъни PostgreSQL, Pythonнинг энг замонавий фреймворкларидан бўлган Django, Restni ўрганадилар. Курс натижасида тингловчилар Python дастурлаш тилида телеграм бот, веб саҳифаларни серверлар ва базалар билан бемалол боғлай оллиш, шунингдек унинг тармоққа юклай оладиган киритилган маълумотларни назорат қилаоладиган билимга эга бўлиши лозим.

### 4.1.5. ИШТИРОКЧИЛАР СОНИ ВА ТОИФАЛАРИ

Гуруҳ	Умумий сон	Қизлар сони	Гуруҳлар сони	Вилоят
Ногиронлиги бўлмаган қизлар	318	48	4	Қарши
		48	4	Термиз
		48	4	Нукус
		48	4	Наманган

		48	4	Самарқанд
		48	4	Бухоро
		30	4	Сирдарё
Таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган қизлар	30	10	1	Қарши
		10	1	Термиз
		10	1	Нукус
Кўриш қобилияти заиф қизлар	16	16	2	Тошкент
Эшитиш қобилияти заиф қизлар	16	16	2	Тошкент
<b>Умумий:</b>				<b>380 та қиз</b>

#### Худудлар ва иштирокчилар сони

- Тошкент - 4 та гуруҳ, 32 иштирокчи
- Қарши – 5 та гуруҳ, 58 нафар иштирокчи
- Термиз - 5 гуруҳ, 58 иштирокчи
- Нукус - 5 гуруҳ, 58 иштирокчи
- Наманган - 4 гуруҳ, 48 иштирокчи
- Самарқанд - 4 гуруҳ, 48 иштирокчи
- Бухоро - 4 гуруҳ, 48 иштирокчи
- Сирдарё - 3 гуруҳ, 30 иштирокчи

Жами: 34 та гуруҳ, 380 иштирокчи

#### 4.1.6. ЯКУНИЙ ИШ ТАҲЛОВИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

Якуний иш таҳлови лойиҳанинг I-босқичи доирасида ташкил этилади.

Ўқув дастури якунланганидан сўнг энг яхши якуний иш учун таҳлови ҳар бир гуруҳ ичида ташкил этилади. Иштирокчилар олдиндан белгиланган кунда йиғилади ва ўқитувчи уларга ўрганиш йўналиши бўйича топшириқ беради. Чекланган вақт (тахминан 3 соат) ичида қизлар вазифани мустақил равишда бажаришлари ва ўқитувчига топширишлари керак.



Якуний ишлар жалб қилинган ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонида баҳоланади. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари рўйхати Буюртмачи томонидан тақдим этилади.

Ҳар бир гуруҳдан 3 нафар голиб аниқланади (биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар). Голибларга Буюртмачи томонидан совға тақдим этилади берилади.

Якуний иш танловини ташкил этиш ва ўтказиш Ижрочи томонидан амалга оширилади. Якуний иш танловига вазифалар, уларни баҳолаш методикаси Ижрочи томонидан тақдим этилади.

#### **4.1.7. СЕРТИФИКАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

Сертификатларни тақдим этиш маросими, яъни ёпилиш маросимининг асосий вазифаси дастур давомида амалга оширилган ишлар (ўқув курси, амалиёт, ва бошқалар) ҳақида маълумотни умумлаштириш ҳамда натажилар ҳақида тақдимот қилиш.

Шу билан бирга, ёпилиш маросимининг якунида тренингдан ўтган тингловчиларга сертификатлар тақдим этиш. Тақдим этиладиган сертификатлар юқори сифатли, керакли маълумотга эга ва замонавий дизайнда тайёрланган бўлиши лозим.

Ёпилиш маросими ҳар битта ҳудудда ташкиллаштирилиши лозим. Ёпилиш маросими учун ташкилий ишлар тўлиқ Ижрочининг зиммасида. Сарфланадиган харажатлар тўлиқ Ижрочи томонидан қопланади ва ушбу лойиҳа учун тўланадиган суммага киради.

#### **4.1.8. ВИДЕО ТАҚДИМОТГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР**

- Ўқув дастури якунига 2-3 ҳафта қолганида Ижрочи ҳар иштирокчи қизларнинг дастурдан таасуроти ҳақида 4 (тўртта) видео тақдимот тайёрлаши лозим.
- Видео тақдимотнинг давомийлиги 1 дақиқадан кам бўлмаслиги лозим.
- Видео тақдимот учун профессионал даражада видео олиниши лозим.
- Видео тақдимот ёпилиш маросидан 5 кун олдин тайёр бўлиши лозим.

#### **4.1.9. ИЖРОЧИНИНГ ХОДИМЛАРИ СОНИ ВА МАЛАКАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Ижрочи томонидан ушбу лойиҳани амалга ошириш учун жалб қилинадиган тренерлар қуйидаги умумий талабларга мос бўлишлари керак:

- Рус ва ўзбек тилларини эркин сўзлашувчанлик даражасида билиш;
- Имконияти чекланган қизлар билан ишлаш бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши.

Нукус, Термиз ва Қарши шаҳарларида таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган қизлар учун менторлар (ўқитувчининг асистенти) жалб қилиниши лозим. Ҳар бир гуруҳга камида 1 та ментор бириктирилиши лозим.

Менторининг асосий вазифаси таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган қизларга дарс вақтида ёрдам бериш.

Менторлар камида 1 йил иш тажрибага эга бўлиши шарт.

#### **4.1.9.1. Тошкент шаҳрида дарс берадиган ўқитувчиларга талаблар:**

Тошкент шаҳрида дарс берадиган ўқитувчилар қуйидаги талабларга мос бўлиши керак:

- Эшитиш қобилияти заиф қизлар учун компьютер саводхонлиги ва график дизайн йўналашлари бўйича дарс бериш учун керакли билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
- Эшитиш қобилияти заиф қизлар учун компьютер саводхонлиги ва график дизайн йўналашлари бўйича дарс бериш бўйича камида 1 йил тажрибага эга бўлиш;
- Кўриш қобилияти заиф қизлар учун компьютер саводхонлиги ва график дизайн йўналашлари бўйича дарс бериш учун керакли билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
- Кўриш қобилияти заиф қизлар учун компьютер саводхонлиги ва график дизайн йўналашлари бўйича дарс бериш бўйича камида 1 йил тажрибага эга бўлиш.

#### **4.1.9.2. Нукус, Термиз ва Қарши шаҳарларида дарс берадиган ўқитувчиларга талаблар:**

Нукус, Термиз ва Қарши шаҳарларида шаҳрида дарс берадиган ўқитувчилар қуйидаги талабларга мос бўлиши керак:

- Таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган қизлар учун компьютер саводхонлиги ва график дизайн йўналашлари бўйича дарс бериш учун керакли билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
- Таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган қизлар учун дарс бериш бўйича камида 1 та дастурда иштирок эткан бўлиши;
- Таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган қизлар учун компьютер саводхонлиги ва график дизайн йўналашлари бўйича дарс бериш бўйича камида 1 йил тажрибага эга бўлиш.

#### **4.1.9.3. Самарқанд, Сирдарё, Бухоро ва Наманган шаҳарларида дарс берадиган ўқитувчиларга талаблар:**



Самарқанд, Сирдарё, Бухоро ва Наманган шаҳарларида шаҳрида дарс берадиган ўқитувчилар қуйидаги талабларга мос бўлиши керак:

- Компьютер саводхонлиги ва график дизайн, backend дастурлаш бўйича дарс бериш учун керакли билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
- Компьютер саводхонлиги ва график дизайн, backend дастурлаш йўналашлари бўйича дарс бериш бўйича камида 2 йил тажрибага эга бўлиши.

#### **4.1.10 МАХСУС ТАЛАБЛАР**

Таянч-ҳаракат тизими билан боғлиқ ногирон қизлар учун машғулот ўтказиладиган жойга киришда пандус ўрнатилиши керак. Пандус қулай бўлиши керак, шунда ногиронлиги бор қиз мустақил равишда кўтарилиб, ўқув марказига кириш имкониятига эга бўлиши керак. Пандуснинг кенглиги камида 90 см бўлиши керак. Эшиклар пандусдан тескари йўналишда очилиши керак.

Эшикларнинг кенглиги камида 80-85 см бўлиши керак. Ногиронлар аравачасидаги одам юқори қаватларга кўтарилиши учун ўқув дастури ташкиллаштириладиган бинода камида битта лифт бўлиши керак.

Эшитиш ва кўриш қобилияти заиф қизлар учун даст ўтказиш учун компьютерларга махсус дастурий таъминот ўрнатилган бўлиши керак. Шу билан бирга, махсус қулоқчин, микрофонлар ўрнатилган бўлиши шарт.

#### **4.1.11 ХАВФСИЗЛИККА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган барча талабларига жавоб бериши лозим.

Ижрочи ўқув дастури жараёнида қонунчиликда белгиланган махфийликни таъминлаб бериши керак. Ижрочи ушбу лойиҳани амалга ошириш чоғида эга махфий маълумотларни ҳеч бир усулда ошкор қилмасликни ўз зиммасига олади.

COVID-19 пандемияси даврида ишлатиладиган шахсий ҳимоя воситаларини ўқув хоналарига тақдим этиш:

- ювиш ва зарарсизлантирувчи воситалар;
- тана ҳароратини ўлчайдиган контактсиз пирометрлар;
- қўл териси антисептиклари учун дозаторлар;
- қўл териси учун антисептиклар;
- бир марта ишлатиладиган юз ниқоблари;
- бир марталик тиббий қўлқоплар;
- дезинфекцияловчи салфеткалар;

- дезинфекцияловчи воситалар;
- зарур дори-дармонлар ва биринчи ёрдам воситалари билан тўлдирилган тиббий тўпламлар.

#### **4.1.12. МАЪЛУМОТЛАРНИ РУХСАТСИЗ КИРИШДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИ**

Маълумотларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш буюртмачининг амалдаги норматив ҳужжатларида белгиланган талаблар бўйича амалга оширилади. Маълумотларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш алоҳида хавфсизлик воситалари ёрдамида таъминланади.

#### **4.1.13 ПАТЕНТ ВА ЛИЦЕНЗИЯЛИ ТАРТИБГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Ижрочи ИТ таълим соҳасида таълим фаолиятини юритиш учун амалдаги лицензияга эга бўлиш керак.

#### **4.1.14 СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА УНИФИКАЦИЯ ТАЛАБЛАРИ**

Ижрочининг ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган барча талабларига жавоб бериши лозим.

### **5. ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДЛИ КўРСАТКИЧЛАРИ**

Ўқув дастурининг мақсадли кўрсаткичлари – бу ўқув дастури яқунланганидан сўнг тингловчиларнинг АКТ соҳасида етарли билим ва кўникмаларига эга бўлганлиги.

Ушбу лойиҳа сифатли амалга оширилганлиги қуйидагилар билан аниқланади:

- ҳудудларда яшовчи 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 318 нафар ногиронлиги бўлмаган қизларда рақамли кўникмалар ва асосий билимларни шакллантириш;
- ҳудудларда яшовчи 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган таянч-ҳаракат тизимида нуқсонли бўлган 30 нафар қиз болаларда рақамли кўникмалар ва асосий билимларни шакллантириш;
- 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 16 нафар эшитмайдиган қизларда рақамли кўникмалар ва асосий билимларни шакллантириш;
- 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 16 нафар кўзи ожиз қизларда рақамли кўникмалар ва асосий билимларни шакллантириш;



- ногиронлиги бўлган шахсларни қамраб олишни кучайтириш ва қизларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган қизларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш;

- лойиҳанинг барча иштирокчиларининг замонавий ИТ кўникмалари ва билимларини янада ривожлантириш учун мотивация;

- имконияти чекланган қизлар ва уларнинг яқинларини ИТ соҳасида ҳамма учун тенг имкониятлар ва чексиз истиқболлар ҳақида маълумот бериш;

- инклюзивлик тамойиллари асосида ИТ соҳасига қизларни жалб қилиш улушини ошириш.

## 6. ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ

Ушбу техник топшириқ тасдиқланганидан сўнг лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бир неча босқичларда бажарилиши керак.

Ишларнинг босқичлар бўйича таркиби ва мазмуни жадвалда келтирилган.

Алоҳида босқичлар ишининг мазмуни, шунингдек, уларни тугатиш муддатлари келишилган ҳолда белгилаб ўтилиши мумкин.

**Қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун инклюзив ўқув дастурини бўйича хизматларни кўрсатиш юзасидан ишларнинг босқичлари рўйхати:**

Т/р	Ишларнинг номланиши ва уларнинг мазмуни	Муддат	Масъул	Босқич нима билан тугайди
1.	Ўқув дастурининг тингловчилари рўйхатини шакллантириш	Шартнома имзоланган кундан кейин 10 кун ичида	Буюртмачи	Тузилган рўйхат
2.	Ўқув дастурини адаптация қилиш	Шартнома имзоланган кундан кейин 5 кун ичида	Ижрочи	Дастур учун тасдиқланган ўқув курси
3.	Ўқув дастурининг	Ижрочи томонидан	Ижрочи	Қарши, Термиз,

	I-босқичи бошланиши	аниқланган кун, Шартнома имзоланган кундан 30 кун ичида		Тошкент, Нукус шаҳарларида ўқув дастури бошланиши
4.	Ўқув дастурининг II-босқичи бошланиши	Ижрочи томонидан аниқланган кун, Шартнома имзоланган кундан 45 кун ичида	Ижрочи	Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Сирдарё шаҳарларида ўқув дастури бошланиши
5.	Ўқув дастурининг I-босқичи якунланиши	Ўқув дастурининг I-босқичи бошланишидан 3 ойдан сўнг	Ижрочи	Тингловчилар учун сертификатларни тарқатиш
6.	Ўқув дастурининг II-босқичи якунланиши	Ўқув дастурининг II-босқичи бошланишидан 3 ойдан сўнг	Ижрочи	Тингловчилар учун сертификатларни тарқатиш
7.	Ҳисобот тайерлаш	Ўқув дастурининг I- ва II-босқичлари якунлангандан кейин 7 кун ичида	Ижрочи	Лойиҳани якунлаш



## 7. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Лойиҳанинг алоҳида босқичларини қабул қилиш “Хизматни кўрсатиш учун ишнинг таркиби ва мазмуни” бўлимида келтирилган календарь режа асосида амалга оширилиши керак. Муайян босқичлар ва умуман иш тугаганидан сўнг, Ижрочи Буюртмачига босқичларнинг ҳисоботларини ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаларини тақдим этади.

Агар ишларни бажариш жараёнида ушбу техник топширикда томонлар томонидан акс эттирилмаган (ёки етарли даражада акс эттирилмаган) алоҳида масалалар ва қарорларни батафсил кўриб чиқиш ва келишиш зарур бўлса, Ижрочи ва Буюртмачи “Қўшимча техник топширик” ҳужжатини ишлаб чиқишлари, мувофиқлаштиришлари ва имзолашлари мумкин.

Лойиҳа буюртмачиси ўқув дастур давомида лойиҳани самарли амалга оширилаётганлигини назорат қилиб бориш ҳуқуқига эга бўлади. Ижрочидан доимий равишда тингловчиларнинг ташрифи ва ўқишдаги муваффақияти тўғрисида маълумотни талаб қилиши мумкин.

**Ижрочи:**  
**“IT-Academy” МЧЖ**

**Манзил:** Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек т., Тепамасжид к., 4-уй

**Банк:** АТБ «Алока банк»

**х/р:** 20208000405108529001

**МФО:** 00401

**СТИР:** 306 615 756

Тен Д.В.

2022 йил “\_\_\_” август



**БУЮРТМАЧИ:**

**“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари Технологик парки Дирекцияси” МЧЖ**

**Манзил:** Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек т., Тепамасжид к., 4-уй

**Банк:** АТБ «Алока банк»

**х/р:** 20 208 000 000 966 048 001

**МФО:** 00401

**СТИР:** 305 975 326

Арипжанов Ф. А.

2022 йил “\_\_\_” август

